



Ўзбек халқи шаклланишининг кейинги, яна бир муҳим даври IX-XII асрлар ҳисобланади. X асрнинг охирида туркий этник катламнинг Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар содир бўлди.

Аргу, тухси, карлук, чигил ва яғмо кабилалари иттифоқидаги қорахонийлар давлати юзага келиб, бу давлат 999 йили Мовароуннахрни ўз илқига киритди. Қорахонийлар давлатида карлук-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Махмуд Қошғарий «энг очик ва равон тил» деб атаган. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Юғнакийнинг (775-869) «Хибатул-хақоик» (Ҳақиқатлар тухфаси) достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср, «Қутадғу билик» (Саодатга йўлловчи билим) асари, Махмуд Қошғарийнинг машхур «Девону лугатут-турк» асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) «Хикматлар»и ҳамда «Ўғузнома», «Алпомиш», «Гўрўгли» каби достонлар шулар жумласидандир.

Мовароуннахр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилида сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб ўзини «тозик» — яъни «тожик» деб юрита бошлайди. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўрталаридан -1213 йилгача) дан ташқари ҳукмронлик қилган кейинги сулолалар, Газнавийлар (997-1187), Салжўқийлар (1040-1157), Ҳоразмшоҳ-ануштегинийлар (1097-1231) нинг барчаси туркий кавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқеига эга бўлганлар. Мўғуллар истилоси гарчи аҳоли бошига ниҳоятда оғир қулфатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлса-да, тадқиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

Мовароуннахр ва Ҳоразмдан шимолда жойлашган вилоятларни, мусулмон муаллифлари Дашти Қипчоқ-Қипчоқ чўли деб аташган. Қадимданок бу ерларда асосан туркий халқлар ва турклашган мўғуллар истикомат қилар эдилар. Чингизхон босқинидан сўнг бу ерлар катта ўғил Жўчининг илқига тушган эди. Кейинчалик бу ҳудуд икки қисмга бўлиниб кетди. Жўчининг ўғли бўлмиш Шайбоннинг авлодидан бўлган Султон Муҳаммад 13 ёшида (1312-1341) Оқ Ўрдага ҳукмдор бўлади. Султон Муҳаммадга Ўзбекхон деб тахаллус берилган.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда ўлкамиз ҳудудларида энг қадимги даврларда яшаган ўтроқ маҳаллий аҳоли – сўғдийлар, ҳоразмийлар, бактрийлар, саклар, массагетлар, хозирги ўзбек халқининг асосини ташкил этади. Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўзлари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрта асрларга келиб бу номлар ўзгаради. Хусусан, Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мовароуннахр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан уйғунлашиб

кетган ва ахоли ўз номини ўзбек деб атаган. Ўрта асрлар тарихий адабиётларида ҳам бу ном «ўзбек», «ўзбеклар» сифатида тилга олинади. Аммо, шу нарса аниқки, Дашти Кипчок худудларидан келган туркий кабилалар маҳаллий ахоли этногенезига, урф-одат ва анъаналарига сезиларли даражада таъсир этмадилар, аксинча унинг орасига сингиб кетиб юкори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадкикотчи Абдукаххор Иброхимовнинг ёзишича, ўзбек халки асосан икки этник катламдан ташкил топган. Биринчи катлам Турон-Туркистон худудларида шаклланган. Иккинчи катлам эса Волга (Итил) дарёси бўйларида тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва куйи оқимларигача бўлган худудларда шаклланган, бу макон ўтмишда турли номлар билан, чунончи Ёипчок дашти, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталган. Халкимизнинг бу катламини жугрофий ўрин жихатидан шартли равишда шимолий катлам деб аташ ҳам мумкин.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, ўзбек халкининг этник шаклланиши узок давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халкининг асосини hozirги Ўзбекистон худудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сўгдийлар, канглар, бактрийлар, хоразмийлар, доволликлар, саклар ва массагетлар ташкил этади. Турли даврларда бу худудларга кириб келган кабилалар, элатлар ва халклар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Ўзбек халки шаклланиш жараёнининг барча босқичларида маҳаллий ахоли четдан келган (келгинди) ахолига нисбатан устун бўлган.

Бу фикримизни исботловчи далиллардан бири, кейинги уч-икки минг йил давомида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди. Хусусан, шаркий эроний тиллар ўрнига гарбий эроний тиллари (форс тили) ва эрамизнинг бошларидан бошлаб туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо маҳаллий халкнинг «кони», яъни генетикаси айтарли ўзгармади ва қадимий халкларга хос кўпгина антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда.

Ўзбек халки келиб чиқилишининг асосини энг қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз худудларида яшаб келган халклар ва элатлар ташкил этган. Икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб кўшилган туркий тилли элат ва халклар ўзбек халкининг шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.